

Ўзбекистонда sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойдан чиқа бошлаган • www.uzssgt.uz, info@uzssgt.uz • 2014 йил 14 ноябрь • № 46 (1015)



Съезд

ФАРЗАНДЛАРИМИЗ КАМОЛИ — КЕЛАЖАГИМИЗ ПОЙДЕВОРИ

2014 йилнинг 12 ноябрь куни Тошкент шаҳрида «Ўзбекистонда болалар соғлиғини муҳофаза қилишнинг устувор йўналишлари ва модернизацияси» мавзусида Ўзбекистон педиатрларининг VII съезди иш бошлади. Унда Ўзбекистон парламенти аъзолари, вазирлик ва идоралар, жамоат бирлашмалари раҳбарлари, юртимиз олимлари билан бир қаторда АҚШ, Германия, Россия, Жанубий Корея, Австрия, Словакия, Чехия, Польша, Ҳиндистон каби қатор халқаро ташкилот вакиллари иштирок этишди.

Таъкидлаш муҳимки, давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 1 августдаги «2014-2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлиғини муҳофаза қилиш борасидаги Давлат дастури тўғрисида»ги Қарорининг амалдаги ижроси Ўзбекистон педиатрлари VII съездининг асосий мавзуси бўлди.

Дарҳақиқат, съездда муҳим масалалар, яъни болаларга кўрсатилаётган тиббий хизмат самарадорлигини ошириш, касалланиш ва ўлим кўрсаткичларини камайтириш, педиатрия соҳасида янгича даволаш, профилактика ва реабилитация усулларини татбиқ этиш, шунингдек, улар саломатлигини муҳофаза қилиш борасида охириги беш йил давомидаги ютуқлар ва кейинги йиллардаги истиқболли вазифалар муҳокама қилинди.

Авалло анжуман доирасида иштирокчилар Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази қатор бўлинмаларининг очилиш маросимида қатнаш-

дилар. Тадбирда сўз олган Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири Анвар Алимов давлат сиёсатининг устувор вазифаси бўлган она ва бола саломатлигини мустаҳкамлаш, оилада соғлом фарзанд туғилиши ва камолга етишини таъминлаш, «Соғлом она – соғлом бола» мақсадли дастурини ҳаётга татбиқ этишда давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб, мазкур йўналишда амалга оширилаётган самарали ишларга урғу берди. Шунингдек, давлатимиз инсон ҳуқуқлари, хусусан, бола ҳуқуқларига оид кўплаб халқаро битимлар имзоланганлигини таъкидлаб,



жумладан, «Бола ҳуқуқлари тўғрисида»ги Конвенция ва бошқа бир қатор халқаро ҳуқуқий ҳужжатларнинг ратификация қилингани юртимизда болалар манфаатларини ҳимоя қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилганлигини алоҳида гапириб ўтди.

Шу билан бирга сўз олганлар томонидан мазкур марказда фаолият юритиб, бугунги кунда унинг замон талаблари

даражасида шаклланишида ўз хиссаларини кўшган фидойи тиббиёт мутахассислари меҳнати алоҳида эътироф этилди. Сўнгра иштирокчилар марказнинг неонатология, кичик ёшдаги болалар патологияси, болалар неврологияси, пульмонология, кардио-ревматология, гастроэнтерология, гепатология, аллергология ва иммунопрофилактика, туғма ва орттирилган ЛОР аъзолари касалликлари,

болалар хирургияси бўлимлари билан танишиб чиқдилар. Марказ биноларининг нафақат ташқи кўриниши, балки унинг ичидаги замонавий аппаратуралар ёрдамида олиб борилаётган ноёб саналган операциялар ҳамда марказ таркибига кирувчи маслаҳат-диагностика поликлиникасида чуқур тиббий кўриқдан ўтиш имконияти мавжудлиги қатнашчилар эътиборини ўзига тортди. Шунингдек, Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт марказида эшитиши заиф болаларда кохлеар имплантация операцияси ҳамда хирургия бўлимида ҳам бемор болаларда операция жараёнлари маҳаллий ҳамда хорижлик мутахассислар ҳамкорлигида амалга оширилди ва амалиёт тўғридан-тўғри он-лайн тарзда мутахассислар диққатига ҳавола этилди. Бунинг баробарида операциялар олди мамлакатимиз ва хорижлик мутахассислар томонидан маҳорат дарслари ҳам олиб борилди.

Фахрланарли томони шундаки, «Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида 2014 йилдан бошлаб, Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт марказида эшитиши заиф болаларда кохлеар имплантация операциясини ўтказиш йўлга қўйилди. Бундай хасталиқлар бугунги кунда санокли давлатлардагина даволанади. Ушбу жараёнларга гувоҳ бўлган бир қанча хорижликлар ўзларининг эътирофли фикрларини билдириб ўтдилар.

– Мазкур марказда бўлар эканман, ундаги бўлимларнинг ўзига хос дид билан замонавий тус олганлиги ва ундаги янги технологияларнинг мавжудлиги ҳамда кадрлар салоҳияти мени лол қолдирди. Шу билан бирга марказнинг ЛОР бўлимида даволанаётган болалар учун яратилган шароитларни кўриб ҳайратландим. Айниқса, операция жараёнида қўлланиладиган ноёб аппаратураларни айтмайсизми. Бир сўз билан айтганда бу ерда амалга оширилаётган бундай ноёб ва мураккаб операциялар муваффақиятли бажарилаётганлигини кўриб, Ўзбекистонлик ҳамкасбларимиз меҳнатига тан бердим. Айниқса, операциядан кейинги ҳолатларда ҳам болаларга кўрсатиладиган ёрдамлар кўлами кенглигига гувоҳ бўлдим, – дейди «MEDEL» компаниясининг МДХ, Болтиқбўйи, Шарқий Европа ва Жанубий Осиё давлатлари бўйича ҳудудий менежери, австриялик мутахассис Алексей Ильченко.

Австриялик меҳмон Алексей Ильченко фикрларини давом эттирган Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази директори, тиббиёт фанлари доктори, профессор Дилором Аҳмедова шундай дейди:

– Албатта, бу каби операция ноёб ва жуда мураккаб бўлиб, аслида катта маблағни талаб қилади. Президентимизнинг фарзандларимиз саломатлигига бўлган эътибор ва ғамхўрликлари боис, бундай касалликка чалинган бемор

(Давоми 2-бетда).



Съезд ФАРЗАНДЛАРИМИЗ КАМОЛИ — КЕЛАЖАГИМИЗ ПОЙДЕВОРИ

Ўғил-қизларимиз бепул даволаниш имконига эга бўлмоқдалар. Ушбу мақсадларга давлат бюджетидан қарийб 7,0 миллиард сўм ажратилганлиги ва жорий йилнинг ўзига 112 нафар болада кохлеар имплантация операцияси амалга оширилганлиги бунинг ёрқин далилидир. Келгусида ҳам шу лойиҳа асосида ҳар йили 100 нафардан ортиқ бола реабилитация қилиниши режалаштирилган. Буларнинг барчаси истиқлолимиз шарофати деб биламан.

Асмус ХАММЕРИХ,
Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг
Ўзбекистондаги
ваколатхонаси бошлиғи:

– Ўзбекистон соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ишларнинг асосий мақсади инсон саломатлиги ва унинг турмуш фаровонлигига қаратилганлиги эътирофга лойиқдир. Айниқса, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ишларига қаратилган эътиборнинг алоҳида аҳамиятга эгаллиги педиатрларнинг VII съездида кўрилаётган муҳим масалаларнинг самарали кечаётганлигини кўрсатиб турибди, десам янглишмаган бўламан. Дарҳақиқат, ушбу йўналишлар ижросига қаратилган ишларнинг узвий ва тизимли равишда олиб борилаётганлиги, бу албатта, миллат саломатлигини асрашда асосий омил бўлиб хизмат қилиб келаётганлигининг шахсан гувоҳиман. Хулосам шуки, мамлакатингизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасидаги эришилаётган ютуқлар дунё олимлари томонидан эътироф этилаётганлиги ҳам диққатга сазовордир.

Хорижий давлатлар ва нуфузли халқаро ташкилотлар вакиллари иштирокида ташкил этилган “Ўзбекистонда болалар соғлигини муҳофаза қилишнинг устувор йўналишлари ва модернизацияси” мавзусидаги анжуманнинг расмий очилиш маросими “Туркистон” саройида бўлиб ўтди. Иштирокчилар бу ерда мустақиллик йилларида мамлакатимизда соғлиқни сақлаш ҳамда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш соҳасида эри-

латдан ташриф буюрган етакчи соҳа мутахассислари Ўзбекистон педиатрларининг VII съезди тўғрисида ўз фикрларини билдириб, юртимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ҳар томонлама ривожланган ёш авлодни тарбиялаш асосида қўлланилаётган янгича ёндошув улкан натижалар бераётганини, бу дунёнинг бошқа кўплаб давлатлари учун намуна бўлиб хизмат қилишини ҳамда давлатимиз раҳбари раҳнамолигида амалга оширилаётган кучли ижтимоий сиёсат юксак самарала бераётганидан далолат эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

Девид СИР,
Халқаро соғлиқни сақлаш
Корея жамғармаси – KOFIN
бош қотиби:

– Мен Ўзбекистон тиббиётининг дунё ҳамжамиятидан ўз ўрнига эга бўлиб келаётганлигидан мамнунман. Айниқса, юртингизда тиббиётга асос солган Абу Али ибн Синодек буюк аломанинг номи нафақат Ўзбекистон, балки бутун дунёда машҳурлигини жуда яхши биламиз. Ўзим ҳам тиббиёт илмининг даҳоси саналмиш Ибн Сино таълимидан кўп нарсани ўрганиб келмоқдаман. Фахр билан айтишим мумкинки, Корея ва Ўзбекистон давлатлари ўртасидаги ҳамкорлик эзгу мақсадларга қаратилган бўлиб, буларнинг замирида инсонлар саломатлиги ва унинг манфатлари яққол намоён бўлмоқда. Шу ўринда таъкидлашим мумкинки, юртингизда “Соғлом бола йили” Давлат дастурига



Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт марказининг ЛОР бўлимидаги операция амалиёти



хизмат қилади. Ушбу съезд педиатриянинг долзарб масалаларини ҳамкорликда кўриб чиқиш, янгиликларни оммалаштириш, истиқболдаги вазифаларни белгилаб олиш ҳар биримиз учун асосий пойдевор бўлиб хизмат қилишига ишонаман ва бу борада Ўзбекистонда тўпланган тажриба етарли, деб ўйлайман.

Съездда иштирокчилар секцияларга бўлиниб, педиатрия, хирургия ва юқумли касалликлар бўйича маърузалар тинглашди.

Тадбир доирасида Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникаси, «Пойтахт» бизнес маркази, «Ўзбекистон» меҳмонхонаси ва бир қанча муассасаларда «Маҳорат дарслари» тақдимоти ўтказилди.

Сук Вя КИМ,
Сеул миллий
университети болалар
клиникаси директори,
профессор:

– Мамлакатингизда болалар саломатлигига қаратилган эътиборни юқори баҳолайман. Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникаси фаолияти билан танишиш чоғида жаҳон стандартларига мос келаётган замонавий клиниканинг ташқи ва ички кўриниши мазкур йўналишдаги фаолиятлар кўлами изчиллик билан давом этаётганлигини, айниқса, юқори малакали мутахассисларнинг соҳада эришаётган ютуқларини кўриб хурсанд бўлдим. Икки кун давомида мазкур клиника ходимлари ҳамкорлигида маҳорат дарсларини олиб бордик. Тақдимот давомида “Болаларда тумта юрак нуқсонларини эрта диагностика қилиш ва ҳомила даврида барвақт бартараф этиш” масалаларига қаратилган мавзу бўйича маъруза қилдим. Съезд ўз ичига олган долзарб мавзулар билан алоҳида ўринга эга бўлиб, Ўзбекистондаги ҳамкасбларимиз билан фаолиятларни янада изчил давом эттириш ҳамда тажриба алмашиш борасида самарали натижалар бериши шубҳасиз.

Анжуман сўнгида Ўзбекистон педиатрлар Ассоциациясининг ҳисоботи тингланди, шунингдек Педиатрлар съездининг резолюцияси қабул қилинди.

Тадбирларда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Икрамов сўзга чиқди.



лий тиббиёт марказининг ЛОР бўлимида олиб борилган операция жараёнида ўзбекистонлик ҳамкасбларимнинг бу борадаги билим ва тажрибалари бойлигига амин бўлдим. Тажрибали шифокор ва ҳамшираларнинг юксак маҳорати, чаққонлиги ва хушёрлиги кўзга ташланиб турарди. Бу борада ўзбекистонлик ҳамкасбларимизда ўзига хос малака борлиги уларнинг илмий салоҳияти йўлидаги изланишларини баҳоловчи мезон эканлигига гувоҳ бўлдим.

– Ўзбекистонда 2009 йилдан буён иш олиб боряпман, – дейди **Ульма университетининг клиникаси педиатрия ва ўсмирлар тиббиёт бўлими бошлиғи, профессор Михаил Ляйксенринг (Германия).** – Мамлакатингизда тиббиётнинг бирламчи бўғинидан тортиб ихтисослаштирилган марказларгача бўлган тизимдаги амалга оширилаётган ишларингиз эътиборга лойиқ. Шунини айтиб ўтмоқчиманки, айрим тараққий этган давлатларда ҳам тиббий-ижтимоий соҳаларни молиялаштириш ҳажми камайиб бораётган бир пайтда, Ўзбекистон соғлиқни сақлаш тизимини давлат томонидан молиялаштириш миқдори йилдан-йилга ошиб бораётганлиги таҳсинга сазовордир. Анжуман доирасидаги иштироким давомида шу нарсага амин бўлдимки, малакали шифокорлар, айниқса, бу соҳага эндигина кириб келаётган ёшларнинг билими, илмий салоҳияти Ўзбекистон тиббиётининг келажаги порлоқлигидан далолат бериб турибди. Бундан ташқари, тизимдаги ёш мутахассисларнинг инглиз тилида бемалол мулоқот қила олишлари ҳам хорижлик ҳамкасблари билан ўзаро тажриба алмашувида муҳим омил бўлиб

мғармаси ўртасида кредит шартномаси имзоланди. Ушбу марказни ишга тушириш 2017 йилга мўлжалланган. Бўлиб ўтаётган Ўзбекистон педиатрлари VII съездининг кенг аудиторияда ўтказилишининг ҳам рамзий маъноси шундаки, юртингизда инсонлар саломатлиги ва турмуш фаровонлиги, айниқса болалар саломатлигига эътиборни ҳоҳиятда кучлигини Ўзбекистон мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришиш борасида глобал жараённинг фаол иштирокчиси сифатида 2000 йилда БМТнинг мингйиллик саммитида мамлакатлар олди-га қўйилган вазифаларни изчил амалга ошираётгани уларни бажаришда кўплаб кўрсаткичлар бўйича етакчи эканлиги таъкидланди. Диққатга сазовор жиҳати шундаки, мамлакатингиз 2015 йилгача мўлжалланган ана шу декларация мажбуриятларининг аксарият қисмини бажарди десам, хато бўлмайди.

Профант МИЛАН,
(Словакия):
– Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-ама-



Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт марказининг хирургия бўлимидаги операция амалиёти

шилган ютуқларга бағишлаб тайёрланган ҳужжатли фильмни томоша қилиш билан бирга, мазкур йўналишларда ташкил этилган кўргазмалар билан танишдилар. Анжуманнинг очилиш маросимида сўзга чиққан халқаро ташкилот вакиллари ҳамда 13 дан ортиқ дав-

киритилган соғлиқни сақлаш тизимидаги яна бир эзгу ишга қўл урилди. Яъни, Тошкент шаҳрида замонавий кўп тармоқли болалар марказини (IV даражали) қуриш ва уни юқори технологик тиббий ускуналар билан жиҳозлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Корея Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва ҳамкорлик жа-

Эътибор ва эътироф

ФИДОЙИЛИК ВА ТАЛАБЧАНЛИК МЕЗОНИ

Маълумки, давлатимиз томонидан тиббиёт ходимлари меҳнати қўллаб-қувватланиб, рағбатлантирилиб келинаётганлиги, бу албатта, соҳа мутахассислари хизматига бўлган юксак эътибордир. Шундай экан, Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан 2006 йилнинг 12 сентябрида қабул қилинган "Тиббиёт ходимлари қунини белгилаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳам бунинг ёрқин ифодасидир. Мазкур қонунга мувофиқ юртимизда ҳар йили ноябрь ойининг иккинчи якшанбаси тиббиёт ходимларининг касб байрами сифатида нишонланади.



Мазкур байрам нафақат пойтахтимиз, балки республика миқёсида кўтаринки кайфиятда ўтказилади. Ушбу байрам муносабати билан кўп йиллик меҳнатлари туфайли обрў-эътибор қозонган соғлиқни сақлаш ходимлари "Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш аълочилиги" кўкрак нишони билан тақдирланиб, йилдан-йилга анъанага айланиб бораётган "Энг намунали қишлоқ врачлик пункти", "Энг яхши санитария-эпидемиология назорати маркази ходими", "Энг яхши патронаж ҳамшира", "Энг яхши умумий амалиёт шифокори", "Энг намунали оилавий поликлиника" номинациялари бўйича танловларда ўз туман ва вилоятларида голибликни қўлга киритганлар эътироф этилиб, қимматбахо совғалар соҳиби бўлиб келмоқдалар. Шундай экан бу йилги тадбир ҳам Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида ўзига хос тарзда ўтказилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси Эльмира Боситхонова, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари кўмитаси раиси Мамазоир Хўжамбердиев, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши раиси Танзила Норбоева ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири Анвар Алимовлар сўзга чиқиб, жамиятимизнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар, жумладан, оналик ва болаликни ҳимоялаш, репродуктив саломатлиқни асраш, оилаларда соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга қаратилган доимий эътибор – инсон манфаатларини муҳофазалаш, соғлом ва баркамол авлодни камолга етказиш ҳамда юртимизнинг иқтисодий салоҳиятини юксалтиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилаётганлигига алоҳида урғу қаратдилар. Шунингдек, тиббиёт соҳасида ислохотлар натижасида республикамиздаги барча тиббиёт муассасалари, ҳатто чекка-чекка туманлардаги қишлоқ врачлик пунктлари ҳам босқичма-босқич замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланиб, фуқароларимизнинг сифатли тиббий хизматдан баҳраманд бўлаётганликларини фахр билан тилга олиб ўтдилар. Тадбир давомида юқорида таъкидлаб ўтилган танловларда кўп йиллик меҳнатлари билан эл назарига тушган соҳа ходимлари ҳамда тиббиёт муассасаларининг иштироки ва уларнинг тақдирланиши байрамга янада файз киритди. Албатта, мазкур танловнинг кўлами йилдан-йилга кенгайиб, унинг нуфузи ортиб бораётганлиги таҳсинга сазовордир.

Шу қуни ўтказилган тадбирда голиб деб топилганлар Президентимизга ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига ўзларининг дил сўзларини қуйидагича изҳор этдилар.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ёрқин ҚЎЗИЕВ,
Фарғона вилояти, Ўзбекистон
тумани "Дашт маҳалла"
ҚВП мудир:

– Кейинги йилларда давлатимиз томонидан бирламчи тизимга бери-



лаётган эътибор биринчи навбатда инсонларнинг ўз саломатлигига эътиборини оширган бўлса, иккинчи навбатда касалликларнинг олдини олишда муҳим роль ўйнамоқда. Айниқса, республикамиздаги уч мингдан зиёд ҚВПларнинг иш фаолияти замон талабига жавоб бериши ва зарурий жиҳозлар билан "Саломатлик-1, 2" лойиҳаси томонидан таъминланганлиги, шу билан бирга мазкур лойиҳа доирасида шифокор ва ҳамширалар узлуксиз таълим жараёнларида назарий ва амалий билимга эга бўлаётганлари ишлар самарадорлигини янада ошириб келмоқда. Шу ўринда эътироф этмоқчиманки, ҳар йили тиббиёт ходимлари қунида бирламчи тизим фаолиятида меҳнат қилаётган тиббиёт ходимларининг хизмати қадрланиб, ушбу касб байрамида тақдирланишимизнинг ўзи бизнинг фаолиятимизга бўлган эътиборнинг ёрқин ифодаси эканлигини кўрсатиб турибди. Бугунги тадбирда "Дашт маҳалла" қишлоқ врачлик пункти "Энг намунали қишлоқ врачлик пункти" номинацияси бўйича фахрли ўринни эгаллаб, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан "Дамас" автомашинаси билан тақдирланди. Бу албатта, аҳоли саломатлиги йўлида бирдек масъул бўлиб ишлаган жамоамиз ходимлари меҳнатига берилган муносиб совға деб биламан. Меҳнатларимиз қадр топаётган ана шундай жаннатмакон юртда яшаётганлигимдан фахрланиб, давлатимиз раҳбарига чексиз миннатдорлик билдириб қоламан.

**"Энг яхши санитария-эпидемиология
назорати маркази ходими"**

Карима ХАЙДАРОВА,

Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани давлат санитария-эпидемиология назорати маркази болалар ва ўсмирлар гигиенаси бўлимнинг санитария врачлари ёрдамчиси

"Энг яхши патронаж ҳамшира"

1. Феруза АЛЛАШУКУРОВА,

Сирдарё вилояти, Боёвут тумани "Фарҳод-2" ҚВП патронаж ҳамшираси

2. Матлуба МҮМИНЖОНОВА,

Тошкент вилояти, Зангиота тумани "Назарбек" ҚВП патронаж ҳамшираси

3. Дурдона ҚУРБОНОВА,

Наманган вилояти, Норин тумани "Тўлқин" ҚВП патронаж ҳамшираси

4. Матлуба ТУЛАЕВА,

Навоий вилояти, Кармана тумани "Маданият" ҚВП патронаж ҳамшираси

"Энг яхши умумий амалиёт шифокори"

1. Жаркинай АКИМАЛИЕВА,

Қорақалпоғистон Республикаси, Кегейли тумани "Кегейли" ҚВП врачлари

2. Зулфикор ФОЗИЛОВ,

Жиззах вилояти, Мирзачўл тумани "Богбон" ҚВП мудирлари

3. Нозима УЛЬЖАБАЕВА,

Тошкент шаҳри, Бектемир тумани Марказий кўп тармоқли поликлиника умумий амалиёт шифокори

4. Мелимурод БОБОМУРОДОВ,

Сурхондарё вилояти, Денов тумани "Ўзбекистон" ҚВП мудирлари

"Энг намунали оилавий поликлиника"

1. Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳар 1-оилавий поликлиника

2. Бухоро вилояти, Бухоро шаҳар 4-оилавий поликлиника

3. Андижон вилояти, Андижон шаҳар 7-оилавий поликлиника

"Энг намунали қишлоқ врачлик пункти"

1. Фарғона вилояти, Ўзбекистон тумани

"Дашт маҳалла" ҚВП

2. Қашқадарё вилояти, Яқкабоғ тумани "Турон" ҚВП

3. Хоразм вилояти, Хива тумани "Исломуҳжа" ҚВП

Феруза АЛЛАШУКУРОВА,
Боёвут тумани "Фарҳод-2"
қишлоқ врачлик пункти
патронаж ҳамшираси:

– Аҳоли билан ишлаш жараёнида касбинг сир-синаотларини чуқурроқ эгаллаб борар экансан. Шу билан бирга, Президентимизнинг соҳага оид чиқараётган Фармон ва Қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг буйруқлари ижросини бажариш ҳам биздан янада катта масъулият талаб этади. Чунки, бундай меъёрий ҳужжатларнинг замирида инсон саломатлиги ва унинг манфаатлари ётганлигини кўраимиз. Шундай экан, ҚВПдаги патронаж ҳамшираларнинг бугунги кундаги фаолияти ҳар бир хонадондаги оила аъзолари билан ҳамжиҳатликда ишлашни тақозо этмоқда. Мен ҳам ўзимга бириктирилган оилаларда бўлганимда фақатгина беморни эмас, балки барча оила аъзоларининг саломатлигига эътибор қаратаман. Бунинг баробарида долзарб мавзулардаги касалликлар бўйича суҳбатлар олиб бораман. Оиланинг ижтимоий ҳолатини ҳам ўрганиш баробарида, маҳалла фуқаролар йиғини, хотин-қизлар кўмитаси, мактаб ва мактабгача тарбия муассасалари билан ҳамкорликда ишлайман. Касб байрамимиз арафасида ташкил этилган республика кўрик-танловининг "Энг яхши патронаж ҳамшира" номинацияси бўйича фахрли биринчи ўринга сазовор бўлганлигим ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг "Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш аълочилиги" кўкрак нишони билан тақдирланганим мен каби ҳамшираларнинг меҳнатига бўлган эътироф деб биламан.

Йилдан-йилга нуфузи ортиб бораётган мазкур тадбирда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси, Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш Фармацевтика ходимлари касаба уюшмаси республика Кенгаши ҳам доимий ҳамжиҳатликда иштирок этиб, кўрик-танлов голибларига ўзларининг қимматбахо совғаларини тақдим этдилар.

Тиббиёт ходимларининг касб байрами республикамиз бўйлаб ўзгача шуқуҳ билан нишонланди. Байрам тадбирида юртимизнинг таниқли санъаткорлари ўзларининг куй ва кўшиқлари билан даврага файз киритдилар.

1-3-саҳифа материалларини
Ибодат СОАТОВА тайёрлади.
Суратлар муаллифи Анвар САМАТХОДЖАЕВ.

Инсон хотираси – муқаддас

ИШОНЧ ВА ҲУРМАТНИ ОҚЛАШ БАХТИ...

Умр ва тақдир инсонга бир бора бериладиган неъмат. Бундан унумли фойдаланган кишининг ҳаёти мазмунли. Қариялар дуога қўл очишса, икки дунё саодатини кўриш ҳар бир одамга насиб этишини тилайдилар. Оддийгина ҳақиқат: бу дунёда инсон қанчалик эзгу ишларни амалга оширса, ёруғ оламни тарк этгач, уни эслатадиган ана шу савоб амаллар марҳум учун яна бир саодатдир. Зеро, донишмандлар таъкидлаганидек, қанча умр кўрган киши эмас, балки ҳаётини мазмунли ўтказганлар ҳаммиша ҳурмат ва эъзоз билан тилга олинган, ёд этилган.

Мамлакатимиз тиббиёти ривожига улкан ҳисса қўшган, ўз соҳасини умри мобайнида чуқур ўрганган, буни эл манфаати билан уйғунлаштира билган олим ва шифокорлар кўплаб топиладики, уларнинг аксарияти бу ёруғ оламни тарк этишган. Туғилмоқ бўлганидек бу дунёни тарк этиш деган ҳақиқат ҳам бор. “Умр” деб аталган азиз неъматни эл саломатлигини сақлашдек эзгу амалга сарфлаган марҳум олимлардан бири Фафур Назиров, ёруғ оламни тарк бўлганларида, табаррук 100 ёшга кирган отахонлардан бири сифатида давраларнинг тўрида ўтирар эди. Аммо афсусланишга ҳожат бўлмаса керак, юқорида таъкидлаганимиздек, бу дунёни тарк этса-да, марҳум олим-шифокор ҳақида илиқ ва самимий хотиралар қолган.

1914 йилнинг 17 ноябрида Тошкент шаҳридаги хизматчилар оиласида дунёга келган Фафур Назиров болалигиданоқ оқ халатли инсонларга кишилар ҳавас билан қарашларига гувоҳ бўлар, назарида уларнинг юриш-туриши, касб-кори сир-синоатга тўлиқ бўлиб туюларди. У кезларда ҳозиргидек ривожланган тиббиёт қайда, аҳоли ўртасида турли юқумли ва юқумсиз касалликлар кўп учрар, касалликни даволаш учун шифокорлар умуман етишмас эди. Шу боис ҳам, ёш йигитча мактабни тамомлаши билан собиқ Тошкент Давлат тиббиёт институтининг даволаш факультетида кириб ўқий бошлади. 1941 йилдан у Тошкент шаҳридаги тиббиёт ўқув комбинатида масъул лавозимда ишлаш билан бир вақтда акушерлик-гинекология шифохонасида фаолият кўрсатди.

Ёш мутахассиснинг олий ўқув юртини тамомлаган даври Иккинчи жаҳон уруши йилларида тўғри келгани унинг эндигина бошланган фаолияти учун бир синов десак, асло муболага бўлмади. Собиқ иттифоқ таркибига кирувчи барча республикалар қатори Ўзбекистон халқи, таъбир жоиз бўлса, етти ёшдан етмиш ёшга қадар бўлганларнинг барчаси оёққа турган, “Ҳамма нарса фронт учун, галаба учун” деган шиор ҳар бир юракда акс-садо берарди. Қўл-оёғи бутун, қурол ушлашга ярайдиган эркалар фронтга отланган, ҳар бир кун, ҳар бир соат ганимат, галаба учун барча имкониятлар ишга солиниши зарур эди.

Ватан ҳимояси учун қақирилганлар сафида бўлган Фафур Назиров шифокор қаерда, қандай вазиятда бўлмасин, унинг вазифаси ёрдамга муҳтож беморга қўлидан келганича кўмаклашиш, дардига малҳам бериш кераклигини яхши биларди. Қолаверса, жангу жадалларда Ватан озодлиги, эл осойишталиги учун жонини қалқон қилаётган аскарга ҳар қадамда хавф-хатар бўлиб турарди. Улар танасидан ўқ ер, шикастланар, ҳушидан кетар, таббир жоиз

бўлса, ажал билан ҳар лаҳзада юзма-юз келарди. Аскарларнинг ҳаётини сақлаб қолиш, жароҳатини тузатиш, дори-дармон бериш Фафур Назиров каби шифокорлар зиммасидаги масъулиятли вазифа бўлди. Дарҳақиқат, Иккинчи жаҳон уруши даврида Ўрта Осиё ҳарбий округининг ҳарбий врачлик курси тингловчиси, хирургия взвод ордinatorи, кейинги икки йил мобайнида 128-гвардия дивизияси (шимолий Кавказ fronti) полк катта врач каби хизмат лавозимларида ишлаган Фафур Назиров ўз вазифасига ҳаммиша виждонан ёндашганлиги билан сафдошлари орасида ҳурмат-эътибор қозонди.

Урушнинг номи ўчсин, у келтирган мусибатларнинг адоғи йўқ. Беш йил давом этган уруш туфайли қанчадан-қанча одамларнинг ёстиғи қуриганлиги, миллионлаб эркалар ногирон бўлиб юртига қайтганлиги ачиқ ҳақиқат эканлигини Фафур Назиров ҳаётлик вақтида ўз ҳамкасбларига ачиниш билан сўзлаб берарди. Хайриятки, кўплаб мамлакатларни ларзага солган Иккинчи жаҳон уруши ниҳоясига етиб, фронт ичкараси ва ортида қийналган, машаққат чеккан кишиларнинг кўрагига офтоб тегди. Жумладан, жангу жадалларда тобланган шифокор ҳозирги 2-республика тиббиёт коллежида ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари бўлиб ишлар экан, халқ учун тинчлик ва осойишталик сув ва ҳаводек зарурлигини англаб етди. Жонажон Тошкент шаҳри, туғилиб ўсган оиласи, ота-онаси, жигарлари бағрида эл-юрт саломатлигини сақлашга ҳисса қўшишга нима етсин?

Фафур Назировнинг ҳаёт йўли, тақдирининг сафдошларига, замондошларига ибрат бўлди. У киши қаерда ва қайси лавозимда ишламасин, шифокорга хос инсоний сифатлари билан тан олинган эди. Тиббиёт соҳасининг қайси тармоғи бўлмасин, Фафур Назиров мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда элимиз саломатлигини асраб-авайлаш, касалликларнинг олдини олиш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, зарарли одатларга чек қўйиш, умуман, инсонга, унинг соғлиғига зарар етказиши мумкин бўлган барча салбий омиллардан йироқ юриш ва воз кечишнинг қоидаларига риоя қилди, ўзгаларни ҳам шунга ундади.

Фафур Назировнинг таржимайи ҳолида раҳбарлик лавозимлари кўп мартаба қайд қилинганига гувоҳ бўлиш мумкин. 1947-48-йиллар Тошкент шаҳридаги 7-шифохона бош врач, 1948-51-йилларда ҳозирги Вазирлар Маҳкамасида соғлиқни сақлаш, физкультура ва ижтимоий таъминот бўйича гуруҳ бошлиғи, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг бош давлат санитария инспектори, 1955-56-йилларда ҳозирги 2-республика тиббиёт коллежи директори сифатида фаолият кўрсатган шифокорнинг ташкилотчилиги, билимдонлиги, ҳушёрлиги, камтарлиги ва ҳалоллиги кўзга ташланди. Масъул лавозимларда

инсоний хислатлари билан ҳамкасбларига ўрнатилган бу шифокор иш жараёнида ўз соҳаси – санитария-гигиена тарғиботида жуда катта эътибор қаратди. Республика Бош давлат санитария инспектори лавозимида ишлаган пайтларда Ўзбекистон шароитидаги экологик муаммолар ва уларни бартараф этишнинг тиббий-экологик жиҳатларини бир-бирига мувофиқликда ўрганди, юқори ташкилотларга ўз тақлиф-мулоҳазаларини гоҳ ёзма, гоҳ оғзаки тарзда етказиб турди. У бу лавозимда ишлаган йилларда Ўзбекистонда санитария-эпидемиология йўналишида бир қатор эзгу ишлар амалга оширилди. Тиббиёт билим юртида директор бўлиб ишлаган шифокор ёшлар мураббийсига хос фазилатлари билан ҳамкасблари, ўқувчи-ёшлар орасида обрў-эътибор қозонди, уларнинг дўсти ва маслаҳатгўйига айланди.

Тиббиёт – бу ҳаёт, тиббиёт бу илм-фандаги катта йўналиш. Қатор йиллар ана шу соҳада фаолият кўрсатган Фафур Назиров кўпдан буён кузатиб ва тўплаб юрган материалларини илмий жиҳатдан асослаш керак, деган хулосага келди. Ана шу ният ва мақсад билан у 1957 йилда Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли Санитария-гигиена ва касб касалликлари илмий-текшириш институтига илмий ходим бўлиб ишга кирди. Ушбу даргоҳда у 1970 йилга қадар фаолият кўрсатди. Ташкилий-услубий бўлим мудири, кимё санюати санитарияси лабораторияси мудири, институтнинг илмий ишлар бўйича директор ўринбосари лавозимларида меҳнат қилган санитария врачининг интилувчанлиги, изланувчанлиги, ҳар бир масалада қатъий фикрга эга эканлиги барчага манзур бўларди. Гигиенист олимни Ўзбекистон сув иншоотларидан фойдаланиш жараёнида аҳолига яратилган меҳнат шароити масалалари қизиқтирарди. Шунинг учун ҳам кейинчалик, аниқроғи 1965 йилда олим “Спирт-фурфурол (кимё ва нефть санюатида ишлатиладиган бирикма) ишлаб чиқаришдаги меҳнат шароити ва Ўзбекистоннинг сув иншоотларида ишлайётган ишчилар организмига бунинг таъсири” мавзусида номзодлик диссертациясини муваффақият билан ўқиб чиқаришга қарор қилди. У илгари сурган гоғлар санитария-гигиена тавсиялари сифатида ишлаб чиқариш қорхоналарига тақдим этилди. Ўзининг кўп йиллик кузатишларида шифокор-гигиенист инсон меҳнат қилиши учун унга етарли даражада санитария-гигиена талаблари бўлиши кераклигини англади ва бу ҳаққоний талаб бугунги кунга келиб ўзининг яна бир қарра тасдиғини топиб улгурди. Бугунги кунда мамлакатимизнинг қайси ишлаб чиқариш қорхонаси, ижтимоий-иқтисодий тармоқлари фаолиятига назар ташламайлик, санитария-гигиена талаблари ўрнатилгандагина меҳнат унумдорлиги юқори бўлиши тан олинмоқда. Ишчи ёки ходим меҳнат қилаётган хона тоза-озода, қуруқ, ёруғ, чанг-ғубордан ҳоли бўлсагина унинг ишида унум ва барака бўлиб, ишлаб чиқаришда катта ютуқлар қўлга киритилади.

Фафур Назиров кейинчалик ўз илмий фаолиятида бу гоғларни янада ривожлантирди, масалага чуқурроқ ёндашди. Санитария-гигиена талаблари билан бир

вақтда ишлаб чиқаришда заҳарланишдан сақланиш ва айрим заҳарли бирикмаларнинг саломатликка салбий таъсир кўрсатишини аниқлаш олимнинг навбатдаги янгиликларидан бири бўлди. Аслида кўпчилик буни ҳаётда кўриб-билиб турса-да, унинг илмий-назарий асосларини яратишга ким ҳам ҳафсала қилган, дейсиз? Фафур Назиров бир-бирига узвий боғланиб кетган бу мавзуларни изчил ўрганиш учун илмий адабиётларни ўқиб-ўрганди, шу соҳага алоқадор ҳамкасбларининг фикр-мулоҳазалари билан қизиқди, мамлакатимизнинг турли вилоятларига хизмат сафарларига бориб қайтди. Институт раҳбарлари томонидан у ҳаммиша қўллаб-қувватланди, тадқиқотчи эса ўзига нисбатан билдирилган ишонч ва ҳурматни оқлашга ҳаракат қилди. Шу тариқа олимнинг санитария-гигиена ҳамда касб касалликларига оид 40 дан зиёд илмий мақолалари, рисоалари, республика санитария-эпидемиология соҳаси мутахассисларига қўлланма бўлиб хизмат қилаётган меъёрий-услубий йўналишдаги тавсиялари нашр этилиб, жойларга тарқатилди.

Фафур Назиров билан бир вақтда фаолият кўрсатган, у билан ҳамнафас ва елкадош бўлган кишилар хотирасида олим фидойи, жонкуяр, ташкилотчи, камтар, эли ва халқи учун ғамхўр бир олим сифатида гавадаланади. Зеро, раҳматли бўлиб кетган инсон ҳақида илиқ ва самимий фикр билдириш тириклар олдидаги ҳам қарз, ҳам фарздир, қачонки, марҳум ўз Ватанини ривожлантириш, ўз элининг дуосини олиш учун умрини бахшида этган бўлса. Ҳеч муболагаи йўқки, Фафур Назиров ана шундай таърифга, ана шундай тавсияга сазовор бўлганлардан эди. У киши билан бирга ишлаган киши Тўлқин Искандаров хотираларида шундай сўзларни ўқиймиз мумкин: “Биз у киши билан бирга ишлаганимиз. У киши ўзининг бор куч-ғайратини, билими ва салоҳиятини санитария-гигиена соҳасини ривожлантиришга бағишлади. Хизмат сафарлари давомида камтарин инсон мақсадли вазифаларга фидойиларча ёндашиб, масалани жиддий ҳал этиб қайтарди. Фафур Назиров Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли Санитария-гигиена ва касб касалликлари илмий-текшириш институтида кўп йиллар фаолият кўрсатди. Сўнгра 1970-1982 йилларда Ўзбекистон Республикаси санитария-эпидемиология станцияларида пестицид ва полимер материаллар лабораториясини бошқарди. Бу даврга келиб Фафур Назиров бой тажрибаси ва юқори малакаси билан ўз касбининг моҳир устасига айланиб улгурди. У илмий салоҳиятини аҳоли ҳаётига салбий таъсир кўрсатаётган омилларни аниқлаш, бунга қарши курашиш орқали намойиш этди, деб тўлиқ айтишимиз мумкин. Ўрта Осиё-



да биринчи бўлиб халқ хўжалигида фойдаланилаётган токсик моддаларни назорат қилиш, қўлланмиш жараёнида эътибор қаратилиши керак бўлган жиҳатларнинг илмий асослари Фафур Назировнинг илмий ишланмасида акс эттирилди ва амалиётга татбиқ қилинди”.

Фафур Назиров бугун орамизда йўқ. Аммо у амалга оширган ишлари билан барҳаёт. Олимнинг ҳаёт йўлини ўрганиш ёки ёзишда маъмурий, илмий ёки жамоатчилик фаолияти бир-бирига чамбарчас боғланиб кетганини кўриш ва ҳис қилиш қийин эмас. Унинг хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланган. Шифокор Иккинчи жаҳон уруши жангоҳларида кўрсатган жасорати учун кўплаб медал ва фахрий ёрликлар билан мукофотланган.

Бу дунёда ҳар бир инсон меҳмон, келмоқ бор, кетмоқ бор. Донишмандлар инсоннинг дунёга келиши, умргузаронлик қилиши асосан, учта ҳолат билан узвий боғлиқ эканлигини таъкидлайдилар. Биринчиси, унинг муносиб исмига эга бўлиши. Иккинчиси, ўз умрини бекзайидиган, мазмун бағишлайдиган касб-хунар эгаллаши. Учинчиси, ўзининг муносиб жуфтига эга бўлиш. Марҳум гигиенист олим Фафур Назиров ҳаётида ана шу учта омил тўлақонли намоён бўлди. Ундан ҳудди ўзи сингари илм-маърифатли, комил фарзандлар қолди. Олимнинг фарзандларидан бири Феруз Назиров ота касбини давом эттириб, айни пайтда Республика ихтисослаштирилган хирургия маркази директори сифатида халқимиз саломатлигини асраб-авайлашдек савоб иши билан банд. Унинг 10 йил Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигида фаолият кўрсатиши ва бу йиллар орасида соғлиқни сақлаш тизимида кўплаб ислохотларга бош-қош бўлиши бежиз эмас. Оталардан болаларга ҳаммаси ўтади – одамийлик, касбий жиҳатдан мукамаллик, фидойилик, ташкилотчилик, ташаббускорлик ва ҳоказо. Зеро, ота қандай бўлса, ўғиллар шундай, она қандай бўлса, қизлар унинг андасаси.

Дарҳақиқат, марҳумларни ёд этиш, улар амалга оширган ишларни хотирлаш эзгуликнинг бир ифодасидир. Бинобарин, бу дунёдан ўтиб кетган етуқ ва забардаст инсонлар ҳақидаги ҳикояни Фафур Назировнинг таваллуд топган санаси арафасида кенг жамоатчиликка тақдим этишимизнинг ўзи фидойиларча меҳнат қилган ажойиб инсоннинг умри ва фаолияти йўлидаги нурли манзиллари бўлиб, у кишининг ёрқин хотираси қалбларимизда мангу муҳрланиб қолади.

Ҳулқар КУЗМЕТОВА.

Хамкорлик ришталари

СТОМАТОЛОГЛАР ТАЙЁРЛАШГА
ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВ

Юртимизда инсонлар саломатлигини яхшилаш борасида яратилган шарт-шароитлар, хусусан, соғлом авлод тарбияси билан боғлиқ кенг қамровли лойиҳалар йилдан-йилга такомиллашиб, ўз самарасини бериб келмоқда. Даврнинг тубдан ўзгариши барча соҳалар каби тиббиёт тармоғини ҳам мисли кўрилмаган даражада ўзгартириб, мазкур тизимда ютуқли натижаларга эришилмоқда. Демак, бу янгиланишларда кенг қатламли аҳолининг бирдек иштироки, фаоллиги ва масъулияти юқорилигини кўриш мумкин. Шунингдек, хориж ва маҳаллий тажрибалар кўламининг кенгайиши баробарида мустақил Ўзбекистон дастлабки йиллардаёқ халқаро тиббиёт соҳасида ўз ўрни ва мавқеи, кадрлар салоҳияти билан муҳим аҳамият касб этади.

Барча тиббиёт соҳаларида бўлгани каби стоматология йўналиши ҳам бугунги кунда Ўзбекистонда ривожланиб бормоқда. Шу маънода ҳар йили стоматологларнинг халқаро миқёсдаги илмий-амалий анжуман, съезд ва симпозиумлари ўтказиб борилаётгани, унда


янги поғонага кўтариш масалалари шулар жумласидандир.

Шу маънода 2014 йил 22 июлда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тошкент Давлат стоматология институтини ташкил этиш тўғрисида"ги Қарори эълон қилиниши, юртимизда стоматология соҳасида яратилган

академиясининг стоматология факультети негизда Тошкент Давлат стоматология институти ташкил этилди, шунингдек, Андижон, Бухоро ва Самарқанд тиббиёт институтларининг стоматология факультетлари, Тошкент педиатрия институти Нукус филиалининг стоматология факультети негизда Тошкент Давлат стоматология институтининг республика минтақаларидаги филиаллари ташкил этилди.

Ушбу қарорда Тошкент Давлат стоматология институтининг мақсад ва вазифалари, унинг асосий фаолиятлари, кутилаётган натижалар аниқ белгилаб кўйилган бўлиб, унга кўра улар замонавий талабларга мос келадиган ва ҳозирги замон стоматологиясининг илғор технологияларини эгаллаган соҳанинг юқори малакали тиббиёт кадрлари ва илмий мутахассисларини тайёрлаш, стоматология, юз-жағ жарроҳлиги соҳаси ва бошқа йўналишларда, жумладан, биотехнологиялар, хужайра ва регенератив тиббиёт соҳаларидаги илғор ютуқлардан фойдаланган ҳолда илмий-амалий тадқиқотлар ва ишланмаларни амалга ошириш, институт клиникалари ва унинг филиалларида аҳолига стоматология соҳасида юқори малакали даволаш-профилактика ёрдами кўрсатган ҳолда стоматологик касалликлар диагностикаси, профилактикаси, даволашнинг илғор усулларини татбиқ этиш, республиканинг олий тиббиёт таълими тизимида стоматология соҳаси бўйича ўқув жараёнини ташкил этишда замонавий таълим технологиялари асосида ахборот ва мультимедия ускуналаридан фойдаланган ҳолда илғор хорижий тажрибани жорий этиш, стоматология соҳасидаги тиббиёт мутахассислари ва ўқитувчиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш масалаларига алоҳида урғу қаратилганлиги аҳамиятлидир, — дейди Тошкент Давлат стоматология институти ректори, профессор Нигмон Хабилов.

Дарҳақиқат, институт иш бошлаганига ҳали кўп вақт бўлмасда, кўплаб халқаро ҳамкорлар эътиборини жалб этмоқда. Шу йилнинг 9-11 ноябрь кунлари Жанубий Кореянинг Ёнсей университети стоматология факультети декани, профессор Кеун Ву Ли ҳамда Халқаро солиқлиқни сақлаш Корея жамғарма-



си — KOFIN бош котиби Девид Сир ва бир гуруҳ корейлик мутахассислар Тошкент Давлат стоматология институтига ташриф буюришди. Меҳмонлар аввало, стоматология институти фаолияти, шунингдек, институтнинг "Стоматология" ўқув-клиник модулида талабаларнинг назарий ва амалий жараёни, мутахассислик кафедралари, юз-жағ жарроҳлиги бўлимидаги ишлар билан яқиндан танишдилар. Ушбу учрашувда Корея делегацияси, Тошкент Давлат стоматология институти раҳбарияти, профессор-ўқитувчилари, Молия ва Иқтисодиёт вазирликлари вакиллари, магистрантлари, клиник ординаторлари ва талабалари иштирок этишди. Тадбирни Тошкент Давлат стоматология институти ректори, профессор Нигмон Хабилов кириш сўзи билан очиб, аввало, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ташкил этилган мазкур олий ўқув юртининг истиқболдаги режалари, бундан кўзланган асосий мақсадлар хусусида тўхталиб, ҳамкорлик доирасидаги фаолиятлар ўзининг маҳсулини беришига катта ишонч билдирди. Учрашувда сўз олган Жанубий Кореянинг Ёнсей университети стоматология факультети декани, профессор Кеун Ву Ли ҳамда Халқаро солиқлиқни сақлаш Корея жамғармаси — KOFIN бош котиби Девид Сир серкуёш Ўзбекистонимизга ташриф буюрганликларидан хурсанд эканликларини ҳамда Тошкент Давлат стоматология институти ўз вақтида ташкил қилиниши ва ундан олдин мустақкам пойдевор яратилганлигини алоҳида таъкидлаб, Президентимизнинг бундай одилона сиёсати эртанги келажақ ав-

лодларимиз саломатлигига қаратилганлиги ва бу борада ҳамжиҳатликда иш олиб бориш иккала давлат олийгоҳлари мутахассисларининг ўзаро тажриба алмашуви натижасида аҳолига кўрсатилаётган стоматологияда хизмат даражасини юқори поғоналарга кўтаришни назарий ва амалий жараёни, мутахассислик кафедралари, юз-жағ жарроҳлиги бўлимидаги ишлар билан яқиндан танишдилар. Ушбу учрашувда Корея делегацияси, Тошкент Давлат стоматология институти раҳбарияти, профессор-ўқитувчилари, Молия ва Иқтисодиёт вазирликлари вакиллари ҳам ҳамкорлик доирасидаги масалаларга эътибор қаратиб, Тошкент Давлат стоматология институтининг бундан кейинги халқаро фаолиятларини янада ривожлантириш, моддий-техник базасини мустақкамлаш борасидаги ишларга биргаликда ёндашиш муҳимлигини айтиб ўтдилар. Учрашув доирасида Жанубий Кореянинг Ёнсей университети стоматология факультети фаолияти тўғрисида видеофильм намойиш этилди.

Ушбу ташриф сўнггида Жанубий Кореянинг Ёнсей университети стоматология факультети ҳамда Тошкент Давлат стоматология институти ўртасида ҳамкорлик қилиш борасида меморандум имзоланди.

Албатта, бундай эзгу мақсадларга қаратилган ҳамкорлик ишлари ўзининг ижобий самарасини бериши шубҳасиз.

Ибодат СОАТОВА.
Суратлар муаллифи
Анвар САМАТХОДЖАЕВ.



мамлакатимиз олимларининг стоматология соҳасида олиб бораётган илмий-тадқиқот ишлари хорижлик мутахассисларнинг эътиборини ўзига тортмоқда.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, стоматология йўналишида эришилган муваффақиятлар қаторида ўз ечимини кутаётган вазифалар ҳам мавжуд. Стоматология соҳасида ягона марказлашган, стоматологиянинг барча йўналишлари бўйича замон талабига мос етуқ мутахассис кадрлар тайёрлайдиган ўқув илмий-амалий, даволаш таълим маркази мавжуд эмаслиги, шаҳар ва вилоятларда марказлашган болалар стоматологияси бўйича профилактика ишларини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш, республикада юз-жағ жарроҳлиги соҳасини

имкониятлар, кўрсатилаётган эътиборнинг яна бир амалий ифодаси бўлди. Юртбошимизнинг мазкур қарори стоматология соҳасидаги юқори малакали тиббиёт кадрларини халқаро талаблар ва стандартлар даражасида тайёрлашни янада такомиллаштириш, таълим жараёнини ташкил қилишнинг замонавий талабларига мос келадиган ўқув ва моддий-техник базасини мустақкамлаш ҳамда ривожлантириш, илғор ахборот-коммуникация, шунингдек, таълим технологияларини жорий этиш, бўлажак стоматолог мутахассисларнинг назарий тайёргарлигини улар ўрганаётган амалий кўникмалар билан узвий боғлаган ҳолда олиб борилишини таъминлаш мақсадида қабул қилинганлиги, албатта, қувонарлидир.

Маълумки, Тошкент тиббиёт

ҲАМЖИҲАТЛИКДАГИ ИСТИҚБОЛЛИ РЕЖАЛАР

Тиббиёт тизимида амалга оширилаётган халқаро ҳамкорлик муносабатлари нафақат юртимиз тараққиёти, балки халқимиз саломатлигини мустақкамлашда ҳам муҳим дастурий амал бўлмоқда.

Шу муносабат билан Республика онкология илмий маркази, "ORION MEDICITY" масъулияти чекланган жамияти ҳамда Ҳиндистоннинг "MEDANTA THE MEDICITY" тиббиёт институти билан уч томонлама ҳамкорликни йўлга қўйиш мақсадида англашув меморандуми имзоланди. Меморандум келишувларига асосан, жорий йилнинг октябрь ойида Республи-

ка онкология илмий марказида Ҳиндистоннинг ушбу йирик клиникаси мутахассислари билан ҳамкорликда дастлабки учрашув бўлиб ўтди. Унда Республика онкология илмий маркази, Тошкент вилояти ва шаҳар онкологик диспансерлари, Тошкент тиббиёт академияси ва Республика колопроктология илмий маркази олимлари ва етакчи мутахассислар иштирок этишди.

Марказимизда жаҳон стандартларига мос тарзда олиб борилаётган фаолиятлар айна пайтда онкологик касалликларнинг олдини олиш ва эрта аниқлашда муҳим аҳамият касб этаётганлиги ходимларимизнинг илмий йўналишдаги фаолиятларининг муҳим босқичига айлана-япти десам, хато бўлмайди. Шу ўринда барча давлатлар билан ҳамкорликдаги ишларимиз ҳам малака ва тажрибаларимизни ошироқда, — дейди Республика онкология илмий маркази

(Давоми 6-бетда).



Ҳамкорлик ришталари

ҲАМЖИҲАТЛИКДАГИ ИСТИҚБОЛЛИ РЕЖАЛАР



директори Саримбек Наврўзов. Учрашувларда ҳиндистонлик мутахассис, профессор Ашок Вайд, жаноб Бабулал Бахадур ва бошқа етакчи олим-

(Давоми. Боши 5-бетда).

лар иштирокида қўшма анжуман ташкил этилди. Унда профессор Ашок Вайд "Колоректал саратонида менежмент" ҳамда "Таргет терапиянинг истиқболлари" мавзусида маъруза қилди. Маърузалар тингловчиларда катта қизи-

қиш уйғотди ва улар ўзларини қизиқтирган кўплаб саволлар билан муножаат қилдилар. Анжуман қизгин баҳс-мунозараларга бой бўлди ва ўзаро фикр алмашилди.

Ҳамкорлик доирасида ҳиндистонлик мутахассислар Республика онкология илмий маркази бўлимлари, даволаш-диагностика асбоб-ускуналари ва беморларга яратилган шарт-шароитлар ҳамда Ўзбекистонда ўсма касалликлари билан хасталанган беморларга кўрсатилаётган юқори савиядаги тиббий ёрдам билан яқиндан танишдилар. Хорижлик мутахассислар бўлимларда даволанаётган беморларни тиббий кўриқдан ўтказишди, уларни текшириш ва даволаш борасида ўзларининг фикрлари билан ўртоқлашишди. Меҳмонлар ю-



тимиз соғлиқни сақлаш тизимида, хусусан онкологияни ривожлантириш соҳасида амалга оширилаётган кенг қўламли фаолиятларга юқори баҳо бердилар.

Учрашув сўнггида икки давлат онколог-шифокорлари келгуси-

да беморларни текшириш ва даволашда яқин ҳамкорлик ўрнатиш ва икки давлат олимлари ўртасида маълумот алмашиш ҳамда малака ошириш ишларини янада яхшилашга келишиб олишди.

Анжуман

ФАРМАЦЕВТИКА САНОАТИ РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧИДА

Аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш ҳамда сифатли дори воситалари билан таъминлаш тиббиёт соҳасида олиб борилаётган ислохотларнинг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Шу боис, мамлакатимизда фармацевтика саноатини янада ривожлантириш, сифатли дори воситалари ишлаб чиқариш ва таъминлашнинг ҳуқуқий базасини такомиллаштириш борасида бир қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда.



Жумладан, мамлакатимиз фармацевтика корхоналари фаолиятини янада ривожлантириш, модернизация қилиш, техник ва технологик қайта таъмирлаш, янги турдаги сифатли ҳамда аҳолини маҳаллий хом ашё асосида ишлаб чиқарилган дори маҳсулотла-

ри билан таъминлаш мақсадида илмий изланишлар олиб борилмоқда. Соҳа ривожини йўлида изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотларда жаҳон фармацевтика саноати ютуқларини амалиётга татбиқ этиш билан бирга, тиббий таълим муассасаларида таълим сифатини оши-

риш ва малакали фармацевт кадрлар тайёрлаш масаласи муҳим ўрин тутди. Бу борада олиб борилаётган ишларда Тошкент фармацевтика институти мутахассис ҳамда олимларининг ҳам ўзига хос ўрни бор.

11-12 ноябрь кунлари Тошкент фармацевтика институтида «Фармацияда таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси» мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Мазкур тадбирда Соғлиқни сақлаш вазирлиги, хориж ва республикамиз фармацевтика билим юрталари ҳамда мамлакатимизда фаолият юритаётган маҳаллий дори-дармон воситалари ишлаб чиқарувчи корхоналар вакиллари, фармацевт ходимлар иштирок этдилар.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари Л. Тўйчиев, Тошкент фармацевтика институти ректори А. Юнусходжаев ва соҳа вакиллари сўзга чиқиб, мавзу доирасида ўз фикрларини билдириб ўтдилар. Анжуман доирасида мамлакатимиз фармацевтика саноатини ривожлантиришда муҳим бўлган омиллар – ихтисослик бўйича малакали кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш, фармацевт ходимлар малакасини ошириш ҳамда сифатли дори воситаларини ишлаб чиқаришдаги юқори технологияларни

жорий қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Соҳа мутахассисларининг саноат фармациясидаги долзарб муаммолар, фармацияда маркетинг ва менежмент, дори воситалари сифатини назорат қилиш, стандартлаш ва серти-

сифатини ошириш, фаолиятга электрон ахборот алмашиш татбиқ этиш, касалликларни даволашда дори воситаларидан самарали фойдаланиш усуллари ҳамда фармацевтиканинг ривожланиш истиқболлари мавзуларида маърузалар тинглашди.



фикатлаш, фармакология ва клиник фармацияга оид мавзуларда илмий маърузалари тингланди ва янги илмий-тадқиқотлар борасидаги изланишлар натижалари муҳокама қилинди.

Тадбир дастурига кўра, иштирокчилар секцияларга бўлинган ҳолда, соҳа ривожини даври воситалари ишлаб чиқариш

Ушбу анжуман доирасида 20 ноябргача "Дори воситаларини ишлаб чиқаришда сифат назорати GMP талаблари" мавзусида семинар-тренинг бўлиб ўтади. Намоз ТОЛИПОВ. Суратлар муаллифи Анвар САМАТХОДЖАЕВ.

ЁШ АВЛОД САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА



Қашқадарё вилояти кўп тармоқли болалар тиббиёт марказида ёш авлод саломатлигини мустаҳкамлаш йўлида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Марказнинг жаррохлик, реанимация, ортопедия, пульмонология, гастроэнтерология, кардиоревматология, неврология каби 18 бўлимида 1 минг 100 нафардан зиёд тиббиёт ходимлари хизмат кўрсатмоқда. Жорий йилда жаррохлик, реанимация ва интенсив терапия бўлимлари корпуси тўлиқ таъмирдан чиқарилиб, замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланди.

Жамшид НОРҚОБИЛОВ олган суратлар. (ЎЗА).



14 ноябрь — Халқаро қандли диабетга қарши кураш куни

ҚОН ТАРКИБИДАГИ ГЛЮКОЗА МИҚДОРINI АНИҚЛАШ

касалликнинг олдини олишда муҳим ҳисобланади

Қандли диабет касаллиги кенг тарқалган ва сурункали хасталик бўлиб, бутун дунё соғлиқни сақлаш тизимининг жиддий муаммосидан биридир. Бу дард билан оғриганлар сони йилдан-йилга ер юзининг барча қиррасида ортиб бормоқда. Шу кунгача беморлар сони 284,6 миллионга тенг бўлиб, 2030 йилда эса 480 миллионга етиши қайд қилинди. Қандли диабет ўз вақтида аниқланмаса, беморларда асоратлари ривожланиб, меҳнат қобилияти йўқолишига, ҳатто ногиронликка олиб келиши мумкин. Шунинг учун қандли диабетнинг олдини олиш жуда муҳимдир. Бунга эришиш учун қандли диабет келиб чиқиш сабаблари, турлари, клиник белгилари тўғрисида кенг омма ўртасида тушунтириш ишлари олиб боришимизни даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Қандли диабет келиб чиқиш сабаблари, ривожланиш йўллари ва клиник белгиларига кўра турлича бўлган касалликлар гуруҳини бирлаштиради. Бу касалликларнинг барчаси учун хос жиҳат — қон таркибидаги глюкозанинг сурункали ортишидир. Шу боис, танада инсулин етишмовчилиги юзага келганда диабет касаллиги ривожланади. Қандли диабет бир неча турга бўлинади. Унинг биринчи тури кўпинча ўсмирлик, ўспиринлик ёшида, семиз бўлмаган беморларда учрайди. Бундай одамлар организмда меъда ости бези бета-ҳужайралари инсулин чиқара олмайди ва уларнинг даволанишида глюкозани пасайтириш мақсадида инсулин препаратлари қўлланилади.

Барча беморларнинг 80-90 фоизда диабет касаллигининг иккинчи тури мавжуд бўлиб, бу хасталик ёши 35-40 дан ошган, аксарият жуда семирлик кетган кишиларда учрайди. Уларда меъда ости бета-ҳужайралари инсулинни меъёрида ишлаб чиқарсада, баъзи сабабларга кўра ўз вазифасини удда қила олмайди. Шунинг учун глюкоза миқдорини пасайтириш мақсадида парҳез, хаб дорилар (таблетка) (бигуанидлар, сульфаниламидлар ва бошқалар) қўлланилади. Бу иккита асосий турдан ташқари гестацион диабет ҳам учраб туради. Гестацион диабет, яъни ҳомиладорлар диабет, бу ҳомиладорлик даврида биринчи марта аниқланган ҳар хил (глюкозага турғунлик бузилишидан клиник намоён бўлган диабетгача) углеводларга турғунлик бузилишидир. Қандли диабет касаллигининг бу тури аёл туққанидан сўнг йўқолиб кетади, аммо бу аёлларда келгусида яна қайта вужудга келиши имкони катта бўлади. Қандли диабетни олдини олиш жараёни касаллик тарқалиш вазияти, аҳоли ва иқтисодий-географик ҳудудларнинг айрим хусусиятлари, соғлиқни сақлаш муассасаларини қандли диабет касаллигининг олдини олиш ишларига тайёрликлари тўғрисида аниқ маълумотларга асосланиб олиб борилади.

Қандли диабетнинг бирламчи, иккиламчи, учламчи олдини олиш муолажалари тафовут этилади. Шунингдек, керакли чора-тадбирлар касаллик клиник эволюциясига, унинг эрта аниқлаш самарали усулларига, тиббиёт хизматлари сифатига қараб аниқланади.

Бирламчи олдини олиш — яъни қандли диабет касаллигининг олдини олиш баъзи бир шахсларда ёки қандли диабет бўйича хавфли гуруҳларда ҳаёт тарзи ва қандли диабет хавфли омилларини бартараф этиш йўли билан олиб борилади.

Иккиламчи олдини олиш — бунда қандли диабет касаллиги асоратларининг олдини олиш назарда тутилади. **Учламчи олдини олиш**да эса қандли диабетнинг намоён бўлган асоратларини тараққий этишдан тўхтатиш вазифаси туради. Хуллас, ҳар хил турларига кўра бирламчи олдини олиш ҳам ўзгача бўлади.

Энг муҳими келажақда қандли диабетнинг 1-турининг олдини олиш учун биринчи навбатда унга эрта ташхис қўйиш имкони билан боғланади. Ҳозирги кунда қандли диабет 1-турининг юқори самарали олдини олиш чора-тадбирлари топилмаган, шунга қарамадан шуни айтиш мумкинки қандли диабетдан келгусида халос бўлиш умиди йўқ эмас. **Қандли диабет касаллигининг иккинчи турини** олдини олиш қанча эрта аниқланса, уни даволаш осон бўлади. Шунинг учун унинг олдини олиш муҳимдир. Бироқ, хасталикни ўз вақтида аниқлаш унчалик осон бўлмайди. Чунки, жуда кўп тарқалган, кўпинча 40 ёшдан кейин учрайдиган қандли диабет касаллигининг 2-турида касаллик белгилари одатда аста-секин ривожланади. Узоқ вақт давомида беморнинг тинкаси қуриб, тез-тез пешобга чиқиб туради. Аммо бу жараён секин ривожланиб борганидан кўпчилик унга эътибор бермайди. Шу сабабли кўпинча касаллик авж олганда, яъни клиник кўриниши юзага чиққанда, касаллик аниқланади. Касалликни барвақт аниқлашда аҳолининг диабет соҳасидаги билимдонлиги ва тиббиёт ходимларининг фаол иштироки ёрдам беради.

Қандли диабет касаллигини аниқлаш мақсадида аҳоли тиббий текширувдан ўтказилади (сутка мобайнида йиғилган сийдик ва наҳорга олинган қондаги глюкоза миқдори текширилади). Бу усул фақат касалликни юзага чиққан турини аниқлашга ёрдам беради.

Касалликнинг яширин турини аниқлашда қуйидаги усуллардан фойдаланилади:

- а) организмнинг глюкозага турғунлигини аниқлаш;
- б) гликирланган гемоглобинни аниқлаш.

Соғлом кишиларда наҳорда қон таркибидаги глюкоза — 5,5 ммоль/л (100 мг %)дан, овқатлангандан кейин 2 соат ўтгач эса — 7,5 ммоль/л (140 мг %)дан ортмайди, бир суткалик сийдикда одатда шакри бўлмайди. Қандли диабетнинг қайси тури бўлишидан қатъи назар, унда клиник намоён бўлган ҳолатининг ташхисини қўйиш учун бармоқдан олинган қондаги глюкозанинг миқдори наҳорда ёки куннинг исталган вақтида аниқланади. Агарда наҳорга олинган глюкоза миқдори икки марта 6,1 ммоль/л.га тенг ёки ундан юқори бўлса ёки куннинг исталган вақтида олинган қонда глюкоза миқдори 11,1 ммоль/л.га тенг ёки юқори бўлса қандли диабет ташхиси қўйилади.

Глюкозага турғунлик синамаси наҳорда қонда глюкоза миқдори 6,1 ммоль/л паст бўлса ўтказилади. Бунинг учун текширилаётган шахс уч кун одат бўлган овқатланиш тартибини сақлаб синамасдан бир кун олдин кеч соат 19 дан сўнг тановул қилмасдан келади. Эрталаб наҳорда қонда глюкоза миқдори текширилади ва 75 г 200-300 мл сувда эритилган глюкоза 5 дақиқа ораллигида ичиш таклифи этилади. Икки соат ўтгач, қонда глюкоза миқдори яна қайтадан аниқланади. Олинган натижаларга кўра қуйидаги ташхис қўйилади: аниқланган глюкоза миқдори 7,8 ммоль/л.дан юқори 11,1 ммоль/л.дан паст бўлса глюкозага турғунлик бузилиши ташхиси қўйилади; 11,1 ммоль/л.дан юқори бўлса қандли диабет ташхиси қўйилади.

Одатда шундай текширувлар кўпинча барча аҳоли ёки бирор хавфли гуруҳ орасида олиб борилади. Хавфли гуруҳларга яқин қариндош-уруғида қандли диабет бор бўлганлар; глюкозага турғунлиги бузилганлар; наҳорги қонда глюкоза миқдори ошганлар; олдин ҳомиладорлик диабетини бўлганлар; вазни 4500 г.дан ортиқ бола туққан аёллар; қон босими 140/90 мм.рт.ст.дан юқори бўлганлар; вазни меъёрдан 20 фоиздан ортиқ бўлганлар; ёши 65 дан ошган шахслар қиради. Жисмоний ҳаракат, тўғри овқатланиш тартибига риоя



қилиш, руҳий ва жисмоний зўриқтирдан қорғиб бўлиш, тана вазнини меъёрида сақлаш зарур. Шу ўринда болаликдан бошлаб меъёрида овқатланишни ўрганиш, яъни овқат учун яшамаслик, балки яшаш учун овқат ейиш керак. Соғлом ҳаёт тарзини амалга ошириш қандли диабетнинг иккинчи турининг олдини олиш гаровидир.

Шундай қилиб ҳозирги кунда қандли диабетнинг олдини олиш имкони бор. Бунга эришиш учун қандли диабетни эрта аниқлаш усуллари ва мунтазам равишда қонда глюкоза миқдорини аниқлаш нафи жуда юқоридир. Кўпчилик инсонларга уй шароитида қонда глюкоза миқдорини аниқлаб туриш худди қон босимни тонометр ёрдамида назорат қилишдай оддий ҳолат бўлиб қолди. Бунинг учун бутун дунёда махсус аппаратлар (глюкометрлар) қўлланилади. Уларнинг турлари кўп бўлиб, кўпчилик давлатларда ишлаб чиқарилади. Буларни ҳақиқий уй лабораторияси деб таърифлаш мумкин. Глюкометр ёрдамида қонда глюкоза миқдорини аниқлаш нафақат қандли диабет беморлари, балки уз соғлигини пухта назорат қилиб борадиган шахсларда қандли диабет касаллигининг олдини олиш учун қўллашларини тавсия этамиз.

2006 йилнинг декабрь ойида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Ассамблеясининг 61-сессиясида “БМТнинг Диабет ҳақидаги Резолюцияси” имзоланди, бунга кўра диабет умумдавлат муаммоси деб тан олинди ва 2007 йил 14 ноябрдан бошлаб Диабет куни деб эълон қилинди ва бу кун умумдавлат миқёсида нишонланиши лозим деб топилди. Авваллари диабетга

Диабет ойлиги тадбирлари республикамизнинг барча вилоятларида ўтказилмоқда. Диабет бу ҳаёт тарзи, унинг олдини олиш ва асоратлари бўлмаслиги учун ўз-ўзини назорат қилиш лозимлигини унутмаслигимиз керак.

Дилфуза БЕРДИҚУЛОВА,
Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказининг ташкилий-услубий бўлим мудири, т.ф.н.

тиббий-ижтимоий сифатида қаралар эди ва Диабет куни тиббиёт муассасаларида ва қандли диабетга чалинган беморлар ассоциацияларида нишонланар эди. 14 ноябрь инсулин ихтирочисини Бантингнинг туғилган куни кўп йиллар давомида касалликка қарши кураш куни сифатида нишонлаб келинган, бундан мақсад шундай касаллик борлиги ҳақида инсонларни хабардор қилиш бўлган. Бунга сабаб кўпинча диабет жуда кеч, яъни асоратлар пайдо бўлган вақтда аниқланади.

2007 йили Ўзбекистон Эндокринологлар Ассоциацияси Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси билан биргаликда диабет ойлигини давлат миқёсида бир қатор чора-тадбирлар ўтказишда ва диабет бўйича Миллий дастурни ишлаб чиқиш учун ёрдам кўрсатишни таклиф қилди. Бу чора-тадбирлар ЎзРССВ кўмагида Ўзбекистон Эндокринологлар ва Диабет Ассоциацияси, РИЭИАТМ ва Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси билан биргаликда ўтказилади ва бунда маҳалла кўмиталари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Спорт ва Маданият вазирлиги фаол иштирок этади. Бу ҳамжиҳатлик, албатта, касалликни эрта аниқлаш ва олдини олишда муҳим ўрин эгаллайди.

Диабет ойлигини ўтказишдан мақсад — инсонларга қандли диабет, хавфли омиллари, эрта ташхис қўйиш, асоратларнинг олдини олиш ҳақида кўпроқ маълумот бериш, хулоса қилиб айтганда “диабетга қарши кураш”га қақаришдан иборатдир.

101 хизмати

ТИНЧЛИГИМИЗ ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА

Маълумки, юртимизда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш борасида муайян ишлар олиб борилаётган. Шу ўринда аҳоли, қолаверса, кенг жамоатчилик орасида тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш муҳимлигини даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Айниқса, бунёдкорлик ишлари кетаётган жойларда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига роия қилинмаганлиги сабабли ёнғинлар сони ошиб бормоқда. 2014-2015 йилларга мўлжалланган маҳаллий ишлаб чиқариш қуввати-

ни ошириш, кичик бизнес ва фирмалар фаолиятини кучайтириш, ўқув ва даволаш муассасалари бинолари ҳамда иншоотларини бунёд этиш жараёнида ёнғин назорати бўйича давлат инспекторлари олдига муҳим вазифалар қўйилмоқда. Халқ ҳўжалиги масканлари ва аҳоли турар жойларида ёнғин хавфсизлиги қоидаларини таъминлашга қаратилган тадбирлар салмоғи оширилганлигига қарамай, жорий йилнинг дастлабки 10 ойи мобайнида Миробод тумани бўйича жами 70 та ёнғин содир бўлди. Ёнғинларнинг келиб чиқишига фуқароларнинг носоз ёритиш ва иситиш

воситаларидан фойдаланиши ҳамда назоратсиз қолдириши оқибатида ёнғинлар содир бўлган.

Юқоридаги кўнгилсиз ҳолатларга йўл қўймастик, аввало, ҳар биримизга боғлиқ эканлигини ҳамда атрофдаги воқеа-ҳодисаларга бефарқ бўлмаслигимизни унутмаслигимиз зарур.

Х. СОБИРОВ,
Миробод тумани бўйича
Давлат ёнғин назорати,
кичик сержант.

Спорт

«УРБАНИЯ — 2014» ПРОТИВ НАРКОТИКОВ



В ташкентском парке «Камолот боги» состоялся молодежный ежегодный фестиваль «Урбания – 2014», который проводится уже 12 лет.

Инициатором его явилась Федерация горного и экстремального видов спорта Узбекистана при поддержке городского Кенгаша, ОДМ «Камолот», Республиканского фонда развития детского спорта.

Цель мероприятия – отвлечь молодежь от наркотиков.

Самым юным участником этого фестиваля стал 5-летний житель Ташкента, уже три раза принимающий участие в таком виде спорта.

В программу фестиваля вошли демонстрация умения ездить и преодолевать препятствия на роликах, велосипедах BMX, скейтах, а также исполнение трюков, прыжки через планку на роликах.

Впервые с концертными номерами выступили ученики ташкентской специализированной школы № 52 Яшнабадского района и акробаты из города Чирчика. Помимо этого была проведена благотворительная акция «Творить добро легко» и розыгрыш подарков.

Все победители фестиваля были награждены дипломами, медалями и призами.

А. ПОПОВ.
Фото автора.



БОЛАЖОНЛАР ШИФОКОРИ



– Юртбошимиз томонидан камтарона меҳнатларим муносиб баҳоланганлигидан янада фахрланиб, ушбу касбни танлаганимдан ва халқимга хизмат қилаётганимдан гурурландим. Бундай юксак ишончни оқлаш учун фаолиятим давомида инсонлар саломатлиги ва уларнинг турмуш фаровонлиги йўлида сидқидилдан ишлашни ўзимнинг асосий бурчим деб биламан.

Ҳа, Замира опадек ўз касбининг фидойилари бор экан, халқимиз саломатлиги доимий муҳофазада бўлиб, жамиятимиз тараққиёти янада юксалиб бораверади.

Қорақалпоғистон Республикаси Шуманай тумани тиббиёт бирлашмасининг олий тоифали педиатри Замира Узоқбоева Ватанимиз мустақиллигининг 23 йиллиги муносабати билан Президентимиз фармонида мувофиқ «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими» фахрий унвони билан тақдирланди.

Қарийб 25 йилдан буён ёш авлод саломатлиги йўлида фидокорона меҳнат қилиб келатган тажрибали шифокорнинг тўғри ташхиси ва самарали муолажаси тўғриси юзлаб кичкинтойлар тўлиқ соғайиб кетди. Бундан миннатдор ота-оналар опани «Болажонлар шифокори», деб хурмат билан тилга олишади.



СУРАТЛАРДА: шифокор Замира Узоқбоева иш жараёни ҳамда ҳамкасблари даврасида.

Мақсад ҲАБИБУЛЛАЕВ
олган суратлар (ЎЗА).

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш
вазирлиги тасарруфидаги куйидаги тиббиёт
коллежлари директорларининг ўринбосарлари
лавозимига танлов эълон қилинади:

Коллеж номи	Лавозим
1 Нукус тиббиёт коллежи	Касбий таълим бўйича директор ўринбосари в.в.б.
2 Қўнғирот тиббиёт коллежи	Касбий таълим бўйича директор ўринбосари в.в.б.
3 Эшлиқалъа тиббиёт коллежи	Маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари в.в.б.
4 Асака тиббиёт коллежи	Ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари в.в.б.
5 Пахтабод тиббиёт коллежи	Ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари в.в.б.
6 Афсона тиббиёт коллежи	Касбий таълим бўйича директор ўринбосари в.в.б.
7 Қорақул тиббиёт коллежи	Маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари в.в.б.
8 Зомин тиббиёт коллежи	Касбий таълим бўйича директор ўринбосари в.в.б.
9 Қарши тиббиёт коллежи	Маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари в.в.б.
10 Дехқонбод тиббиёт коллежи	Касбий таълим бўйича директор ўринбосари в.в.б.
11 Шахрисабз тиббиёт коллежи	Маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари в.в.б.
12 Хатирчи тиббиёт коллежи	Маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари в.в.б.
13 Поптиббиёт коллежи	Ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари в.в.б.
14 Поптиббиёт коллежи	Касбий таълим бўйича директор ўринбосари в.в.б.
15 Сиеб тиббиёт коллежи	Маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари в.в.б.
16 Пахтачи тиббиёт коллежи	Ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари в.в.б.
17 Пахтачи тиббиёт коллежи	Касбий таълим бўйича директор ўринбосари в.в.б.
18 Урганч тиббиёт коллежи	Маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари в.в.б.
19 Сирдарё тиббиёт коллежи	Маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари в.в.б.
20 Термиз тиббиёт коллежи	Касбий таълим бўйича директор ўринбосари в.в.б.
21 Шеробод тиббиёт коллежи	Маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари в.в.б.
22 Чиланзор тиббиёт коллежи	Маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари в.в.б.
23 Чирчик тиббиёт коллежи	Ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари в.в.б.
24 Чирчик тиббиёт коллежи	Касбий таълим бўйича директор ўринбосари в.в.б.
25 Чирчик тиббиёт коллежи	Маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари в.в.б.
26 Янгийул тиббиёт коллежи	Касбий таълим бўйича директор ўринбосари в.в.б.
27 Шайхонтоҳур тиббиёт коллежи	Касбий таълим бўйича директор ўринбосари в.в.б.
28 Олмасор тиббиёт коллежи	Маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари в.в.б.
29 Бувайда тиббиёт коллежи	Касбий таълим бўйича директор ўринбосари в.в.б.
30 Бувайда тиббиёт коллежи	Маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари в.в.б.
31 Қува тиббиёт коллежи	Касбий таълим бўйича директор ўринбосари в.в.б.
32 Фаргона тумани тиббиёт коллежи	Ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари в.в.б.
33 Фаргона тумани тиббиёт коллежи	Касбий таълим бўйича директор ўринбосари в.в.б.
34 2-Маргилон тиббиёт коллежи	Маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари в.в.б.
35 Урганч тиббиёт коллежи	Касбий таълим бўйича директор ўринбосари в.в.б.
36 Урганч тиббиёт коллежи	Маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари в.в.б.

Танловда иштирок этишни хоҳловчилар
куйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари шарт:

1. Ариза;
 2. Сўровнома ва таржимаи ҳол;
 3. Маълумоти ҳақидаги ҳужжат нусхаси;
 4. Илмий даража ва илмий унвонлари ҳақидаги ҳужжатлар нусхалари;
 5. Илмий-услубий ишлар ва ихтиролар рўяхати;
 6. 4x6 ўлчамдаги 4 дона фотосурат;
 7. Номзоднинг таълим муассасасига бўлажак раҳбарлик фаолияти бўйича ихтиёрий шаклда ёзган режаси (концепция).
- Ҳужжатлар танлов эълон қилинган кундан бошлаб бир ой муддатда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Фан ва ўқув юртлири Бош бошқармасида қабул қилинади.

Газета
муассиси:
Ўзбекистон
Республикаси
Соғлиқни
сақлаш
вазирлиги

Бош муҳаррир Асилбек ХУДАЯРОВ
Нашр учун масъул
Бош муҳаррир ўринбосари
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O'zbekistonda sog'liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт.
Интернет саҳифаларидан фойдаланилган суратларга «i» шартли белгиси қўйилади.

Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри,
Истикбол кўчаси, 30-уй, 2-қават.
Тел/факс: 233-13-22, тел.: 233-57-73. Газета
Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот
агентлигида 2009 йилнинг 11 март куни
рўйхатга олинган. Гувоҳнома рақами 0015.

Газета материаллари таҳририят
компьютер марказида
терилди ва саҳифаланди.

Адади 5355 нусха.
Буюртма Г-1158.

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида
чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.

Саҳифаловчи Бахтиёр ҚҶШОҚОВ.

Босмахонага топшириш вақти – 20.00.

